

**Сўнгги йилларда мамлакатимиз банк тизимини ислоҳ қилиш, банклар томонидан кўрсатилаётган хизмат сифатини яхшилаш борасида ибратли ишлар амалга оширилди. Натижада уларнинг мижозлари сони сезиларли даражада ортди. Аммо айрим банклар фаолиятида мижоз ишончини суиистеъмол қилиш каби қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилаётганини ҳам афсус билан айтиб ўтиш лозим.**

# ИШОНЧ ВА ҲАМКОРЛИК

Фарғона шаҳридаги «Таъмирлаш ва йиғиш комбинати» масъулияти чекланган жамияти ва давлат акциядорлик ипотека «Заминбанк»ининг вилоят филиали ўртасида юзага келган можаро ҳам бунга мисол бўла олади.

Гап шундаки, бундан бир неча йил муқаддам, жамият билан банк ўртасида **«Банк ҳисоб варағи тўғрисида»**ги 3-сонли шартнома имзоланди ва унинг I-бўлим, 1-моддасига биноан мижоз топшириқ бериш, банк эса унга ҳисоб варағи очиш ҳамда амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳисоб-китоб, касса хизмати (банк операциялари)ни кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олди. Шундан сўнг икки ярим йилдан кўпроқ вақт мобайнида банк комбинатга кўнгилдагидек хизмат кўрсатди. Бироқ 2003 йилнинг сентябрига келиб банк ходимлари мижоз ишончини суиистеъмол қилишди.

«Таъмирлаш ва йиғиш комбинати» баъзи объектларда қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажаргани боис унинг ҳисоб рақамига 23 миллион сўм маблағ келиб тушган. Банк ушбу маблағнинг 3 миллион 750 минг сўмини 25-сонли тўлов топшириқномаси билан «05.09.2003 йилги 10-сонли шартномага асосан қурилиш моллари олиш учун» дея «Фарҳодбек» кўп тармоқли савдо тижорат фирмасига, 1 миллион сўмни шу кунги 26-сонли тўлов топшириқномаси билан хусусий тадбиркор Саттор Исмоиловга «шартномага асосан молиявий ёрдам олиш учун» дея, 60-сонли тўлов топшириқномаси билан яна «Фарҳодбек» кўп тармоқли савдо тижорат фирмасига илгаригидек «сабаб»ни кўрсатиб, 2 ярим миллион сўм, Ёзёвон туманидаги «ASK-SAFO» кўп тармоқли хусусий фирмасига «шартномага асосан молиявий ёрдам олиш учун» деган важга биноан 525.000 сўмни 63-сонли тўлов топшириқномаси билан, «шартномага асосан қурилиш моллари олиш учун юз фоиз олдиндан тўлов» дея 3 миллион 100.000 сўмни 60-сонли тўлов топшириқномаси билан хусусий тадбиркор Абдуҳалим Усмонов ҳисоб рақамига ўтказиб юборди. Бу хатти-ҳаракатларнинг бошида банкнинг ўша пайтдаги бошқарувчиси К.Юнусалиев турди. Ваҳоланки, томонлар ўртасида тузилган шартноманинг 2.1.4-бандига асосан, банк мижознинг ҳисоб-рақамидаги маблағни фақат унинг топшириғи ва розилиги билангина ҳисобдан чиқариши шарт эди. Бундан ташқари, Марказий Банк томонидан 2002 йил 12 январда ишлаб чиқилган ва 1/4-60- рақам билан тасдиқланган **«Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ТАРТИБ»**нинг 13-моддасида юридик шахсларни пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг биринчи нусхасида корхона мансабдор шахсларнинг имзолари бўлиши ва корхона муҳри билан тасдиқланиши шартлиги кўрсатиб ўтилган. Лекин тўлов амалга оширилган ҳар беш ҳолатнинг ҳужжатларида на пул тўловчи, на қабул қилиб олувчининг имзо ва муҳрлари мавжуд эмас.



Банкнинг бундай ўзбошимчалигидан масъулияти чекланган жамият мутасаддилари норози бўлишди. Улар асоссиз равишда ўтказиб юборилган пул маблағларини қайтариш юзасидан банкка бир неча марта талабнома юборишди. Аммо К. Юнусалиев ва бошқа масъул ходимлар ўзларини гўёки ҳеч нарсани кўрмаган- билмагандек тутишди. Банк мутасаддиларининг бу қадар ноҳақлигига тоқат қила олмаган «Таъмирлаш ва йиғиш комбинати» МЧЖ вилояти хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, банкдан 10 миллион 875.000 сўм асосий қарз, 2 миллион 375 минг сўм жарима, 2 миллион 773 минг 125 сўм устама — жами 16 миллион 23.125 сўм маблағни ундириб беришини сўради.

Банк ва мижоз ўртасида тузилган шартноманинг 2.1.15-бандида **«мажбуриятларни кечиктиргани ва уларни бажаришда**

## У ҲАР ИККИ ТОМОНДАН АЛОҲИДА МАСЪУЛИЯТ ТАЛАБ ЭТАДИ

**қонун бузилишга йўл қўйгани учун банк қонун ва шартноманинг 5-бўлимида кўзда тутилган тартибга мувофиқ жавобгарликка тортилади»** деб белгиланган. Шунингдек, банкнинг етказилган зарарни тўлаши ва белгиланган тартибда жавоб бериши Фуқаролик кодексининг 324, 333-моддалари ҳамда **«Банклар ва банклар фаолияти тўғрисида»**ги қонуннинг 39-моддасида ҳам қайд этилган. Банк Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги **«Накд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва банклар жавобгарлигини ошириш тўғрисида»**ги 264-сонли қарори ва унга асосан Марка-

**Taassuf**

зий Банк томонидан 2001 йил 23 июнда тасдиқланган 14\2-сонли ТАРТИБга кўра жарима, 2004 йил 10 июлдаги қайта молиялаш ставкасига мувофиқ эса устама тўлаши зарур эди. Бироқ вилоят хўжалик суди Олий хўжалик суди Пленумининг 1999 йил 5 февралда қабул қилинган 77-сонли қарорининг 3-бандига асосан даъвонинг жарима ундириш тўғрисидаги талабини рад этди.

Суд «Заминбанк»нинг вилоят филиалидан жамият фойдасига 10 миллион 875.000 сўм асосий қарз, 2 миллион 773.125 сўм устама, 160.230 сўм давлат божи, 4000 сўм почта харажатлари — жами 13 миллион 812.355 сўм ундириш юзасидан ҳал қилув қарори чиқарди.

Шу билан бирга суд банк мутасаддиларининг юқоридаги ҳаракатларида Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми «а», «в»-бандлари ва мазкур кодекснинг 209-моддасида кўрсатилган жиноят аломатлари мавжуд, деб ҳисоблаб, ушбу иш бўйича аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан қўшимча текширув ўтказиш тўғрисида хусусий ажримини ҳам эълон қилди ҳамда уни ижро қилиш учун вилоят прокуроратурасига юборди.

Банк мутасаддиларининг бу ҳаракати нафақат унинг ўзига, балки бошқа банкларнинг мижозлари билан ҳамкорлигига ҳам муайян даражада путур етказиши шубҳасиз. Шу боис ундан бошқалар ҳам тегишли сабоқ чиқариши лозим.

**Анваржон МАНСУРОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Хуршид СУЛТОНОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

**Muloqot**

## «ИЖРО МУДДАТИ БОРМИ?»

***Айтингчи, қонунда суд қарори ижросининг аниқ муддати белгиланганми? Мабодо жавобгар ҳам бундан бўйин товласа, унга нисбатан қўшимча қонуний чора кўриладими?***

**Фарида ЧОРИЕВА**
**Музработ тумани**

— Фуқаролик процессуал кодексининг 218-моддасида белгиланишича, суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан сўнг ижро этилади (дарҳол ижро этиш ҳоллари бундан мустасно).

Ушбу кодекснинг 219-моддасига асосан суднинг қуйидаги ҳал қилув қарорлари дарҳол ижро этилиши шарт:

1) алиментларни ундириш тўғрисидаги;

2) ходимларга уч ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган иш ҳақини ундириб бериш тўғрисидаги;

3) майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етиши, шунингдек, боқувчисининг ўлими натижасида кўрилган зарарни қоплаш учун тўловлар ундириш тўғрисидаги;

4) меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ходимни ёки ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходимни аввалги ишига тиклаш тўғрисидаги, шунингдек, меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларининг таърифини ўзгартириш тўғрисидаги;

5) судда ишни кўриш вақтида жавобгар даъвони бутунлай ёки қисман тан олинганига қараб, тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилган талаблар бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари.

Шу билан бир қаторда Жиноят кодексининг 232-моддасида суд қарорини бажармаганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланган бўлиб, ушбу моддага мувофиқ мансабдор шахснинг суд ёки судьянинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарорини қасддан бажармаслиги ёҳуд уларнинг бажарилишига тўсқинлик қилиши жиноий жавобгарлик масаласини келтириб чиқаради.

## ҚОНУНЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

***Яқинда биз, бир гуруҳ талабалар қадимий шаҳарлардан бирига саёҳатга бордик. У ердаги меъморий обидаларни томоша қилаётган пайтимизда бизга халқ меросини асраш тўғрисида тегишли қонунлар мавжудлигини айтишди. Ана шу қонунлар ҳақида маълумот берсангиз.***

**Зилола ЖАЛИЛОВА**
**Дўстлик шаҳри**

— Халқ мероси ва қадимий обидаларни асраш борасида бир қанча қонунлар ҳамда меъёрий ҳужжатлар мавжуд. **«Ўзбекистон Республикасининг маданий бойликларини олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида»**ги 1998 йил 29 августдаги қонун шулар сирасига киради.

Ушбу қонун халқимизнинг маданий меросини асраш, маданий бойликларини қонунга хилоф равишда олиб чиқиш ва олиб киришни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Бундан ташқари, Жиноят ва «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексларда ҳам тарихий ёки маданий ёдгорликларни нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказганлик учун жавобгарлик масалалари назарда тутилган. Жиноят кодексининг 132-моддасига мурожаат этадиган бўлсак, унда давлат муҳофазасига олинган тарихий ёки маданий ёдгорликларни қасддан нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланиши қайд этилган. Бундан ташқари, давлат муҳофазасига олинган тарихий ёки маданиий ёдгорликларни қасддан нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз баравари гача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу моддада рағбатлантирувчи меъёр ҳам мавжуд бўлиб, унда етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги баён этилган.

«Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 64-моддасида ҳам тарихий ёки маданиий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга биноан тарихий ёки маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини қасддан бузиш ҳолати маъмурий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Шу билан бир қаторда тарихий ва маданий, халқ меросига тааллуқли бўлган меъморий обидаларни бузиш ҳамда нобуд қилишнинг олдини олишга доир бир қатор меъёрий ҳужжатлар ҳам мавжуд.

Саволларга ҳуқуқшунос С. НИЁЗОВА жавоб берди.

## ИДИШ УЧУН ҲАҚ ОЛИНМАЙДИ

***Истеъмолчи дўкондан 1 килограмм сарёғ харид қилди. Сарёғнинг нархи 1300 сўм. Аммо сотувчи истеъмолчига сарёғ учун 1300 сўм ва ўраб берилган идиш учун 25 сўм, жами 1325 сўм тўлаш лозимлигини айтди. Истеъмолчи ушбу пулни сотувчига тўлади. Сотувчи касса чекини берди. Айтингчи, бу ҳолатда сотувчи томонидан қайси қоидаларнинг талаблари бузилган? Аслида жараён қандай кечиши керак эди?***

**Эркин АЛИЕВ**

— Мазкур ҳолатда сотувчи томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 75-сонли қарори билан тасдиқланган **“Ўзбекистон Республикаси чакана савдо қоидалари”** талаблари бузилган. Мазкур қоидага асосан маҳсулотни ўраб берилган идиш учун ҳақ олинмаслиги, яъни сотувчи истеъмолчидан фақат харид қилган сарёғ қийматини олиши лозим эди.

## ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАНГАН

***Истеъмолчи савдо дўконидан товар харид қилди. Бироқ уйига келиб, кўздан кечирганда товарнинг нуқсони борлиги маълум бўлди. Истеъмолчи товар сотиб олган куни сотувчига товарнинг нуқсони борлигини айтганда, сотувчи томонидан унинг талаблари қаноатлантирилмади. Айтинг-чи, мазкур ҳолатда истеъмолчи кўрган маънавий ва моддий зарарни ундириб бериш учун қаерга ва кимга мурожаат қилиши керак?***

**Умиджон КАРИМОВ**
**Тошкент тумани**

— Мазкур ҳолатда истеъмолчи бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва кўрган моддий ҳамда маънавий зарарни ундириб беришни сўраб, сотувчи жойлашган ҳудуддаги ёки истеъмолчининг ўзи жойлашган ҳудуддаги фуқаролик судига мурожаат қилиши керак.

Савол-жавобларни Ғайрат САТТОРОВ тайёрлади.

**Bugunning gapi**

# ОНА ЮРТ МУҲАББАТИ

## у барча туйғулардан устундир



“Ким ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани сева олмайди”, деб айтган экан донишмандлардан бири. Ҳеч шубҳасиз, бу ҳикмат замирида катта маъно-мазмун бор. Андижонда юз берган мудҳиш воқеалар ҳақида ўйлаганим сари бу мудҳиш ишга қўл урган манфур кимсаларнинг қалби тошга айланиб қолганига ишонч ҳосил қилдим.

Акс ҳолда улар бегуноҳ одамларни ваҳшийларча ўлдирмаган, Андижоннинг энг гўзал бинолари — Заҳириддин Бобур номидаги театр, Бакиров номидаги кинотеатр, вилоят ҳокимлиги ва кенгашлар уйи деб аталган маъмурий биноларга ўт қўйишмаган бўлардилар. Бундай ёвузлик ва вайронкорлик фақат юраги тош кимсаларнинг қўлидан келади.

Бу ҳақда ўйлаш, мушоҳада юритиш ниҳоятда оғир. Чунки киши кўнглига ўз-ўзидан аламли ва афсусли саволлар, ўй-фикрлар қуйилиб келаверади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ўша куни тонг саҳарда Андижонга етиб келгани, шаҳар фаоллари, маҳалла оқсоқоллари билан учрашиб, вазиятни барқарорлаштириш учун одилона йўл-йўриқ ва кўрсатмалар бергани биз, андижонликларнинг кўнглини кўтариб юборди.

Бугун давр ҳар биримиздан фидойилик, огоҳлик ва масъулиятни талаб этмоқда. Мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшиш ҳар бир юртдошимизнинг муқаддас бурчидир. Бу бурчни адо этиш учун билим ва салоҳиятимизни, кучимиз ва меҳнатимизни аямаслигимиз, ватан тақдирини ҳамма нарсадан юқори қўйишимиз лозим.

Бундай имконият ҳар биримизда бор. Ўзим мисолимда айтадиган бўлсак, 1997 йилда 45 гектар ерда “Она замин” фермер хўжалигини ташкил этгандим. Ҳозирги пайтда “МТЗ-80” русумли иккита чопиқ, “Алтай” русумли ҳайдов тракторлари, “МАЗ” русумли юк автомашинаси, автобус ва енгил машинамиз бор. Булар хўжалигимиз аъзоларининг даромадига сотиб олинган.

Еримизга асосан пахта, буғдой экамиз. Шартнома мажбуриятларини доимо ошириб бажараётганимиз туфайли даромадларимиз яхши. Ўтган йили давлат омборига 75,6 тонна пахта, 45 тонна буғдой топширдик. Бундан ташқари, хўжалик аъзоларига режадан ортиқ етиштирилган ҳосил ҳисобидан бир ярим тоннадан буғдой бердик.

Ҳалол меҳнатимиз туфайли шунча мол-мулк, техника воситаларига эга бўлдик. Бу билан ҳар қандай орзу-истакка ҳалол меҳнат орқали эришиш мумкинлигини таъкидламоқчиман. Зотан, юртимизда ишлайман, тўқ-фаровон яшайман, юртим тараққиётига ҳисса қўшаман деган одамга ҳамма шароит етарли. Вайронкорлик ва босқинчилик йўлини танлаган кимсалар учун эса она Ватаннинг тузи ҳам, суви ҳам ҳаромдир. Шу юртнинг тузини ичиб, тузлиғига тупурган нонкўр кимсалар ҳеч қачон қабиҳ ниятларига ета олишмайди. Чунки эзгулик ёвузлик устидан ҳамиша ғалаба қозонган. Шу маънода олижаноб мақсадлар йўлида дадил одимлаётган халқимизни ҳеч қандай куч ортига қайтаролмайди.

**Илҳомжон ҒОЗИЕВ,**
**Улуғнор туманидаги “Она замин” фермер хўжалиги раҳбари**

**Islohot samarasi**

# ИМТИЁЗ

## тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга

*(Давоми.*
*Боши биринчи бетда)*

Бундан ташқари, **“Хусусий корхона тўғрисида”**ги қонуннинг 24-моддасига асосан, хусусий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг корхона мулкдорининг тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди.

Мамлакатимизга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун янада қулай шарт-шароит яратиш мақсадида хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун ҳам бир қатор имтиёзлар белгиланган. Хусусан, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фаолиятини тартибга солишда Солиқ кодексининг 31-моддаси, 16-банди, **“Чет эл инвестициялари тўғрисида”**ги, **“Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”**ги қонунлар, **“Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида”**ги, **“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 январдаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги, **“Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарда болалар пойабзали ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”** Президент Фармонлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар муҳим аҳамият касб этади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ўзининг ижобий самарасини беради. Чунки улар ички бозорда ишлаб чиқариш салоҳиятини жонлантиради, экспорт ўрнини босувчи товарлар билан ички бозорни тўлдиришда иштирок этади. Шуларни ҳисобга олиб юртимизда хусусий секторнинг аҳамиятини ошириш учун, айниқса, ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган хусусий тадбиркорлик субъектларига янада кенгроқ имтиёз (солиқ, кредит ва бошқалар) ва имкониятларни яратиб бериш керак.



Бунинг учун қуйидаги вазифалар амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўларди:

- тадбиркорлик субъектларига оид қонунчиликни (жумладан, молия, кредит тизими, солиқ тизими) улар фаолиятини эркинлаштириш фойдасига қайта кўриб чиқиш;
- тадбиркорлик субъектларини зарур ахборотлар (асосан маркетинг) билан таъминлаб бориш тизимини яратиш;
- илмий, илмий-техник тадқиқотлар натижалари билан тадбиркорлик субъектларини таништириб бориш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва олиб боришни енгиллаштирадиган услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш ва маслаҳатхоналар ишини йўлга қўйиш;
- тадбиркорларни тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув тизимини мукаммаллаштириш;
- тадбиркорлик субъекти бўлган корхоналарнинг фаолияти хавфсизлигини (масалан, шартнома шартларига кўра пул тўлаш, маҳсулот етказиб бериш, товар айланмасини чеклашга, тижорат банкларидан ахборотларни ошкор этишга йўл қўймаслик) таъминлаш;
- кичик корхоналарни мулкий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, маҳаллий бюджетга қарздор корхоналарга ишлаб чиқариш майдони ва технологияни ижарага олишда имтиёзлар бериш.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, айрим ҳолларда хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан назорат ва бошқа давлат идоралари қонунчилик меъёрларини нотўғри талқин қилади, уларнинг фаолиятини чеклаб, қонунчиликда белгиланган имтиёз ва кафолатларни эътиборга олмайди. Масалан, Балиқчи тумани Давлат солиқ инспекцияси “Алишер Навоий Интернейшнл” қўшма корхонасига қонунчиликда белгиланган имтиёзларни қўлламасдан, ундан 53 миллион сўм миқдорида мулк солиғи ундириб келган. Андижон вилояти адлия бошқармасининг даъво аризасига мувофиқ, суд томонидан 2007 йилга қадар корхонага нисбатан мулк солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш тўғрисида келишув битими тузднрилди. Тўланган маблағни эса келгуси солиқ тўловлари ҳисобига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, тадбиркорлик иқтисодиётнинг асосий улушини ташкил этиши учун унга кенг имтиёз ва имкониятлар яратиш муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқаришдаги улушини кўпайтириш учун давлат идоралари уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши, бу борада аниқ чоралар кўриши, уларнинг қонунчиликда кафолатланган ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилишлари зарур.

**С. САТТОРОВ,**
**Б. ОРТИҚОВ**

# ТЕНДЕР НЕГА ҚАЙТА ЎТКАЗИЛАДИ?



*(Давоми.*
*Боши биринчи бетда)*

Мазкур комиссия томонидан ўтказилган танловларда талабгорлар тақдим қилган ҳужжатларни баҳолашда ҳам бир қатор камчиликларга йўл қўйилган. Биринчидан, барча талабгорлардан уларнинг бизнес режалари ёки фаолият дастурлари талаб қилинмаган. Бундан ташқари, ўтказилган танловларда фуқароларнинг пул маблағлари мавжудлиги тўғрисида маълумотлар йўқ бўлса-да, пул маблағлари мавжуд деб баллар қўйилган. Масалан Х.Ўроқовга 2.200.000 сўм маблағ учун 7 балл, В.Кукшинга 1.000.000 сўм маблағ учун 5 балл, Н.Камоловга 300.000 маблағ учун 7 балл, Х.Қосимовга 200.000 сўм маблағ учун 7 балл, Д.Буташевга 1.000.000 сўм маблағ учун 5 балл, Д.Акбаровга эса 1.600.000 сўм маблағ учун 7 балл, А.Қурбоновга 500.000 сўм маблағ учун 3 балл берилган. Афсуски, комиссияга бу маблағларни тасдиқловчи бирон-бир ҳужжат тақдим этилмаган.

Адлия Вазирлиги томонидан шу йилнинг 5 январида рўйхатга олинган **“Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида фермер хўжалиги ташкил этишда танлов ғолибларини аниқлаш тўғрисида”**ги Низомнинг 1-бўлим 3-бандида комиссия раиси ва котиби тегишли танловда талабгор сифатида иштирок этишлари мумкин эмас, деб белгилаб қўйилган. Бироқ Амир Темур жамоа хўжалигида комиссия раиси В.Кукшин танловда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган. У ўзига 20 гектар ерни ажратиб олган. Хўш, буни қандай тушуниш ва изоҳлаш мумкин? Э.Умаров, Ж.Душабоев ёки уларнинг оила аъзолари номида трактор ёки автомашина бўлмаса-да, уларга автотранспорт техникаси мавжуд деб балл берилган.

Шу йилнинг 6 январ куни ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши ўтказилиб, ғолиблар аниқланган. Комиссия аъзолари томонидан танловда ғолиб деб топилган шахслар бир овоздан тасдиқланган. Ғолиблардан эса ҳужжатларни қабул қилиш умумий йиғилишдан кейин амалга оширилган. Бу тескари ҳаракатни қандай тушуниш мумкин? Оилада ишловчилар сонини кўрсатувчи маълумотнома умумий йиғилиш ўтказилгандан сўнг З.Ҳотамовадан 43 кун, Д.Акбаровдан 20 кун, З.Зокировдан 21 кун, У.Маткаримовадан 45 кун, Д.Буташевадан 21 кун, М.Мамасолиевдан 20 кундан кейин олинган. Ҳатто М.Шамсиев, Н.Камолов, В.Кукшинга, оилада ишловчилар сонини тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжат бўлмаса-да, баллар ноқонуний белгиланган. Бундан кўринадики, етарли ҳужжатлар бўлмаган тақдирда ҳам баллар берилиб, давлатга тегишли ерлар ўзаро талон-тарож қилинган. Фермер

**Ajab savdolar**

хўжалигини ташкил этиш бўйича ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши шу йилнинг 6 январ куни ўтказилган. Бу ҳақда тегишли қарор қабул қилинган. Орадан 51 кун ўтиб, туман ҳокими томонидан бу ҳақда тегишли қарор чиқарилган.

Адлия бошқармаси юқоридагиларга асосан Амур Темур номидаги ширкат хўжалигида фермерларга ер беришда амалдаги Низом ва тартиб-қоидаларга риоя қилинмагани учун хўжаликда тендерни янгидан ўтказиш лозим деб топди. Шу боис адлия бошқармаси баён этилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб, тендер ўтказиш, ер беришни шу йилнинг ноябр, декабр ойларигача тўхтатиб туришни маъқул топди. Жиддий хатоликларга йўл қўйган мансабдор шахсларга ҳам жазо тайинлаш лозимлиги тавсия этилди. Ўйлаймизки, энди тендер қонуний ўтказилади.

**Ҳакимжон ХАЛИЛОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Маъмур МУСУРМОНОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

Huquqiy ma`rifat

# СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

## Бу жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришни талаб этади

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Шу ўринда суд мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ қуйидаги фикр-мулоҳаза ва таклифларни билдиришни лозим деб топдик.

Бош қомусимиз бўлган Конституциянинг 44-моддасида ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат идоралари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади, дейилган. Ушбу меъёр "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси"даги "ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга", деган қоидага тўлиқ мос келади.

Мазкур меъёрда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларни умумий хусусиятга эга суд орқали ҳимоя қилиш ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқи Жиноят процессуал кодексидаги "процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи" акс эттирилган меъёрда янада аниқроқ ифодаланган: "Процесс иштирокчилари ва бошқа шахслар, шунингдек, жиноят ишини юритишдан манфаатдор бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари Жиноят-процессуал кодексида белгилаб қўйилган тартибда ва муддатда суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва суднинг процессуал ҳаракати ёки қарори устидан шикоят беришга ҳақлидир".

Бундан ташқари, нафақат айбланувчи (46-модда), гумон қилинувчи (48-модда), ҳимоячи (53-модда), жабрланувчи (55-модда), фуқаровий даъвогар (57-модда), фуқаровий жавобгар (59-модда), ҳатто гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон, холиснинг ҳуқуқлари қаторида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан ҳам шикоят қилиш мумкинлиги қатъий баён этилган.

Жиноят процессуал кодексида дастлабки тергов ва ишни судга қадар юритиш жараёнида суриштирув, тергов идораларининг муайян қарори устидан шикоят қилиш билан боғлиқ бешта меъёр мавжуд. Жумладан, эҳтиёт чоралари (241-модда), айбланувчи, судланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим (258-модда), шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим (269-модда), жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарор (338-модда), терговчи ва прокурорнинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан (358-модда) шикоят бериш тартиби белгилаб қўйилган. Мисол учун айтсак, тергов идораси томонидан танланган эҳтиёт чорасини ўзгартириш ёки бекор қилиш, айбланувчини (судланувчини) лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш, жиноят ишини қўзғатишга доир қарор ёки ажрим устидан, терговчининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан назорат олиб бораётган прокурорга ёки айрим ҳолларда тергов бўлинмаси бошлиғига ёхуд юқори турувчи прокурорга шикоят қилиш мумкин. Аммо санаб ўтилганлардан фақат эҳтиёт чораси устидан берилган шикоятни прокурор уч сутка ичида ҳал қилиши қонун ҳужжатида кўрсатилган, холос. Бошқа ҳолатларда шикоятни ҳал этиш муддати ва аниқ тартиб-таомили, яъни ҳал қилиш механизми аниқ баён этилмаган.

Фикримизча, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг навбатдаги босқичида мажбурлов чоралари ва тергов ҳаракатлари юзасидан санкция бериш ваколатини судга олиб бериш билан бирга жиноят ишини юритувчи масъул мансабдор шахслар ва суднинг қарорлари ҳамда ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш муаммосини ҳам ҳал этиш лозим.

Айни шу масала Жиноят процессуал кодексига киритиладиган навбатдаги янгилик бўлгани сабабли бу борадаги чет эл давлатлари тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Масалан, Россия Федерацияси Жиноят процессуал кодексида бу масалага алоҳида боб ажратилган.

Россия Федерацияси қонунчилигида жиноят процессининг иштирокчиси суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракати ёки қарорини ноқонуний ёки асоссиз, деб ҳисоблаганда, шикоят беришга ҳақли экани белгилаб қўйилган. Процесс иштирокчилари ўзларининг ҳуқуқ ёки эркинликлари, қонуний манфаатлари суриштирувчи ёки терговчининг ишни юритиши жараёнида бузилган, деб ҳисоблаганда шикоятни назорат қилиш вазифасини амалга оширувчи прокурорга юборади. Прокурор шикоятни одатда уч кун ичида, қўшимча материалларни ўрганиш талаб этилган ҳолларда эса, 10 кунлик муддатда ҳал қилади. Прокурор шикоят юзасидан ўтказган текшириш якунида шикоятни қаноатлантириш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Шунингдек, унинг натижаси ҳақида шикоятчига зудлик билан жавоб юбориб, ушбу қарорга рози бўлмаса, шикоят қилиш ҳуқуқини тушунтиради. Россия Жиноят процессуал кодексига асосан суриштирувчи ва терговчининг иш қўзғатишни рад этиш, ишни тугатиш, жиноят процесси иштирокчиларининг конституцияда белгилаб қўйилган шунга ўхшаш бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига бирон-бир усулда зарар етказилган ҳар қандай ҳаракати ва қарорига нисбатан дастлабки тергов амалга оширилаётган жойдаги судга шикоят бериш мумкин. Шикоят бевосита суднинг ўзига ёки суриштирувчи, терговчи ёки прокурор орқали ҳам юборилади.

Суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки ҳаракати қонунийлиги ва асослилигини судья беш кунлик муддатда текширади. Судда тарафлар ва прокурор иштирок этади. Тарафларга ўз вақтида ишнинг кўрилиши тўғрисида хабар қилинади, уларнинг судга келмаслиги ишни ҳал этишга таъсир кўрсатмайди. Шикоятни мазмунан кўриб чиқиб, суд тегишли мансабдор шахснинг ҳаракати ёки қарорини ноқонуний ёки асоссиз деб топади ва йўл қўйган қонунбузарликни бартараф этиш масъулиятини унинг ўзига юклайди ёки шикоятни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Умуман олганда, тергов идораси ва прокурорнинг қарори ёхуд ҳаракати устидан берилган шикоят, жиноят ишини судда тарафларнинг тортишув асосида кўриши дастлабки терговда ишни тергов қилиш устидан суд назоратининг моҳиятини ташкил этади. Қолаверса, унинг прокурор назоратидан фарқи ҳам айнан шунда кўринади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳар бир давлатнинг жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари ўзига хос ички тузилиш, хусусият ва тартиб-таомилга эга бўлгани учун бу борада ягона андоза бўлиши мумкин эмас. Аммо жиноят ишини тергов қилиш жараёни билан боғлиқ тергов ҳаракатларининг умумийликка эга эканини ҳисобга олсак, чет эл давлатлари қонунчилигидаги ижобий жиҳатларни ўрганиш фойдадан холи эмас.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар янги босқичга кўтарилди. Бу эса бу борадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришни тақозо этади. Шу маънода баён этилган таклиф ва мулоҳазалар келгусида амалий аҳамият касб этса, ажаб эмас.

**Мавжуда РАЖАБОВА,**
**юридик фанлари доктори**

Mitti maslahat

# НОТАРИУС ХИЗМАТИ

## У ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ ТОМОНИДАН ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Қонунчиликда нотариуслар бўлмаган аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудларда нотариал ҳаракатлар фуқаролар йиғини раислари томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Нотариал ҳаракатлар фуқаролар йиғини биносида амалга оширилиб, касаллиги, ногиронлиги ёки бошқа сабабларга асосан фуқаролар раис ҳузурига бора олмайдиган айрим ҳолларда эса нотариал ҳаракатлар фуқаро яшайдиган жойда амалга оширилиши мумкин. Нотариал ҳаракатлар давлат божи тўланганидан сўнг зарур бўлган барча ҳужжатлар тақдим этилган куни амалга оширилади.

Нотариал ҳаракатни амалга ошириш қўшимча маълумотлар талаб қилиш ёки ҳужжатларни экспертизага юбориш зарурати бўлганда кечиктирилиши мумкин. Шунингдек, фуқаролар йиғини раисларида мурожаат этувчининг руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайди, шу ҳаракатларни бошқара олмайди, спиртли ичимликлар ёхуд гиёҳвандлик моддаларни истеъмол қилиш оқибатида оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўяди, деб ҳисоблаш учун асос бўлган ҳолатлар ҳам бунга сабаб бўлади.

Фуқаролар йиғини раислари нотариал ҳаракатни амалга ошириш вақтида мурожаат қилган фуқароларнинг шахсини аниқлайди.

Фуқаролар йиғини раислари ўчирилган, қўшимчалар киритилган, сўзлари ўчирилган ва изоҳ берилмаган бошқа ўзгартириш бўлган ҳужжатларни, шунингдек, қаламда ёзилган ҳужжатларни нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун қабул қилмаслиги лозим. Бир варақдан ортиқ бўлган ҳужжат ип ўтказиб тикилган, варақлари рақамланган ва муҳр босиб тасдиқланган бўлиши керак.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фуқаролар йиғини раислари фақат «Ўзбекистонда нотариат» амалий қўлланмасининг биринчи бандида кўрсатилган ҳужжатларни тасдиқлаб, тасдиқловчи (гувоҳлантирувчи) ёзувларни амалга оширади. Бу ҳужжатлар улар томонидан имзоланиб, фуқаролар йиғинининг гербли муҳри босилади.

Фуқаролар йиғини раислари томонидан амалга ошириладиган барча нотариал ҳаракатлар рўйхатга олиш реестрида қайд этилади. Ҳар бир нотариал ҳаракатга алоҳида тартиб рақами берилади, қайд этилган нотариал ҳаракат рақами албатта фуқаролар йиғини раиси томонидан бериладиган ҳужжатларда ва гувоҳлантирувчи ёзувларда кўрсатилади.

Барча нотариал тартибда тасдиқланган васиятномалар, ишончномалар, мерос қолган мулкни рўйхатга олиш далолатномаларининг нусхалари фуқаролар йиғинидаги йиғма жилдларда сақланади.

Нотариал ҳаракатларни бажариш тўғрисида мурожаат қилган фуқаролар, уларнинг вакиллари ёки давлат муассасалари, корхона ва ташкилотлар, жамоа хўжаликлари ҳамда жамоат ташкилотлари вакилларининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар, реестрда ҳужжатнинг номи, унинг рақами, қачон берилгани ва ҳужжатни берган муассасанинг номи ёзиб қўйилгач, қайтариб берилади.

Фуқаролар йиғини раислари томонидан бажарилган нотариал ҳаракатлар учун, шунингдек, васиятнома, ишончнома, аризаларнинг лойиҳаларини тузиб, ҳужжатларнинг нусхаларини тайёрлаб, улардан кўчирмалар олиб бергани, ҳужжатларнинг дубликатларини бергани учун манфаатдор шахслардан амалдаги қонунларга мувофиқ давлат божи ундирилади.

**"Нотариат тўғрисида"**-ги қонуннинг 21-моддасига фуқаролар йиғини раислари нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун бошқа жойга борганида, манфаатдор шахслар унинг транспорт харажатларини тўлайди.

Нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи фуқаролар йиғини раислари тарафлар тақдим қилган васиятнома, ишончнома, ариза лойиҳаларининг маъноси ва моҳиятини уларга тушунтириб бериши ҳамда лойиҳаларнинг мазмуни тарафларнинг ҳақиқий ниятларига мос тушиш-тушмаслигини текшириб кўриши шарт.

**Азиза ДЎСТОВА,**
**ҳуқуқшунос**

Yoshlar ovozi

# ЁШЛИК – ШИЖОАТ ВА ФИДОЙИЛИКДИР

**Соғлом фикрловчи ҳар бир киши, албатта, яхши касб-ҳунар эгаси бўлиш учун, қолаверса, туғилиб ўсган маҳалласи, қишлоғи, Ватани ривожига оз бўлса-да, ҳисса қўшиш ниятида ўқийди ва меҳнат қилади.**



Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳеч кимдан, ҳеч қайси ривожланган жамият ёшларидан кам қилмай камолга етказиш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ана шундай алоҳида ғамхўрлик ва оқилона сиёсат натижаси ўлароқ, дунё Ўзбекистоннинг ҳақиқий ўтмиши ва бугунини, айниқса, унинг истеъдодли фарзандларини қайта таниди. Бундан 15-20 йил аввал ўзбек боласи дунёнинг машҳур давлат арбоблари таҳсил олган Оксфорд ёхуд Гарвард университети талабаси бўлади, Тошкентнинг марказида Марказий Осиёда ягона бўлган халқаро Вестминистр университети ташкил этилади, деган фикрни бирон-бир киши хаёлига ҳам келтиролмас эди. Шунинг ўзиёқ, ёшларга билдирилаётган катта эътибор ва ишонч ифодасидир. Шубҳасиз, миллатимиз байроғини кўкларга кўтараётган, миллат ифтихорига айланган, шу азиз заминнинг порлоқ келажаги йўлида ўқиётган, ишлаётган ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Улар ўзининг билими, қобилияти ва дунёқараши билан ҳар қандай хорижлик талаба билан интеллектуал жиҳатдан тенгма-тенг рақобатлаша олади. Аммо табиатан ҳамма бир хил савия ва инсоний хислатларга эга бўлмагандек, ёшлар орасида ҳам ҳар хил фикрловчи, ҳар хил муҳитда тарбия топган турли даражадаги дунёқарашга эга бўлган ёшларни учратиш мумкин. Агар ёшларга "Сиз нима мақсадда ўқияпсиз?" деган савол билан мурожаат қилсангиз, уларнинг аксарияти билим олиш, яхши яшаш, ҳаётда ўз ўрнимга эга бўлиш учун ўқияпман, деб жавоб беради. Бироқ улар орасида ҳам ота-онасининг қистови билан ўқиётганлари ҳам бор. Яна баъзи бир ёшлар ҳам борки, улар учун келажакда қандай мутахассис бўлиб етишишнинг унчалик қизиғи йўқ. Уларга нуфузли олий ўқув юртининг димпломи бўлса, кифоя. Тўғри, диплом бўлмаса, ишлаш ҳам қийин, бироқ номи улуғ бир ўқув даргоҳини тугатгани тўғрисида диплом бўлса-ю, шунга яраша чуқур билимга эга бўлмасачи? Бунда ким айбдору ким манфаатдор? Ҳолбуки, муайян олий ўқув юртининг дипломини олиш учун 4 ёки 5 йил ўқиш етарлидир. Лекин ўз касбининг чинакам фидоийси бўлиш орзусидаги шахс учун йиллар зарур. Ахир, бежизга муқаддас китобларда "Бешикдан қабргача илм изла" деб ёзилмаган. Баъзан кўча-куйда қимматли вақтини бекорчиликда ўтказаётган, эрталаб уйдан ўқишга чиқиб кетдим, деб умрини кўчада ўтказиб юрган, ўзини, ота-онаси ва қолаверса, жамиятни алдаётган айрим масъулиятсиз ёшларни кўрганда киши ачинади. Шундай кезларда «нега биз қонуний ҳуқуқ ва имкониятларимизни тўлиқ англаб етиб, улардан унумли фойдаланмаяпмиз, нима учун барчамиз масъулият, ишонч деган сўзларнинг мазмун-моҳиятини бирдек чуқур ҳис этмаймиз, Юртбошимиз орзу қилган комил инсон бўлиб вояга етиш учун қандай хислатларга эга бўлишимиз керак», деган саволлар туғилади. Тўғри, ҳозирги ўтиш даврида ижтимоий ва иқтисодий соҳада айрим муаммолар мавжуд. Лекин бу табиий тарихий қонуниятдир. Ҳолбуки, дунёнинг энг тараққий топган давлатлари ҳам фаровон ҳаётга ўз-ўзидан эришгани йўқ. Хўш, улар ниманинг эвазига ҳавас қиладиган ҳаётни барпо этишди. Аввало, ғурур, ватанпарварлик ва фидоийлик, Ватан келажаги — бу менинг келажагим деган ғоя кучи ҳисобига, энг муҳими, жамият қалбидаги ички жипслик, фахр-ифтихор туйғуси ҳар қандай қийинчиликлар устидан ғалаба қозониб, халқни порлоқ келажак сари етаклади.

Гап ватанпарварлик, фидоийлик ҳақида борар экан, қуйидаги мулоҳазани айтиб ўтиш лозим. Ватанпарварликнинг энг олий кўринишидир. Бироқ юртга ватанпарварлик аввало ўқишга, ўз касбига бўлган юксак меҳрдан, фидоийликдан бошланади. Ватанпарвар бўлиш учун аввалaмбор фидоий талаба, фидоий ўқувчи, фидоий қурувчи, фидоий деҳқон бўлиши лозим. Бошқача айтганда, ҳар бир инсон ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятини чуқур англаб етиши, уларга оғишмай амал қилиши керак. "Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам ҳам бўлмаймиз" деган шиор барчамиз учун бирдек интилишга айланиши, ана шу устувор ғоя руҳи билан яшаш, ишлаш ва ўқиш, керак бўлса, фикрлаш ҳар бир инсон ҳаётининг мазмунига айланиши даркор. Зеро, Президентимиз айтганидек, дипломга эга бўлиш — бу ҳали том маънодаги зиёли дегани эмас. Зиёли одам ўз тафаккур савияси, пок юраги, ички маданияти билан мутлақо бўлакча инсон бўлади.

Шундай экан, келинг, азиз ёшлар, ўзимизда бор билим ва кучни фақат бир эзгу мақсад — шу Ватан равнақи йўлида сарфлайлик. Шунчаки оддий талаба эмас, балки фидоий талаба бўлишга ҳаракат қилайлик.

**Ҳусан ТУРСУНОВ,**
**магистр**

Taassuf

# СОХТАКОРЛИК ПАНД БЕРДИ




Ҳар қандай корхона ёхуд ташкилот ўз фаолиятида қонун талабларига риоя этиши муваффақиятлар гаровидир. Бунинг акаси бўлган жойда турли муаммолар юзага келади.

Чироқчи тумани халқ таълими бўлимида ҳам қонунга амал қилмаслик натижасида катта миқдордаги давлат маблағи талон-тарож қилинган.Хусусан, жадвалга амал қилмаслик туфайли 61.500.000 сўмлик бюджет маблағи ноқонуний сарфланган, бажарилмаган қурилиш ишлари далолатномаларига қўшиб ёзиш орқали 18.500.000 сўмлик бюджет маблағи шахсий манфаатлар учун ишлатилган. Шунингдек, 76 та мактаб ва 17 та болалар боғчалари ходимлари томонидан ҳар хил қонунбузарлик ва суиистеъмолчиликларга йўл қўйилган. Мисол учун айтадиган бўлсак, 1-сонли мактаб директори И.Маликов, директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Р.Чўллиев ва нафақага чиққан собиқ ўқитувчи Ж.Авазова ўзаро жиноий тил бириктириб сохтакорлик йўлини тутишган. Аниқроқ айтганда, мактаб раҳбарлари ноқонуний равишда ўқитувчи Р.Бухорованинг ўрнига Ж.Авазовага ишга чиқишга рухсат беришган. Натижада Ж.Авазова 2002-2003 ўқув йилида Р.Бухорованинг номига тўлдирилган қалбаки иш ҳақи ҳисоботлари асосида маош олган. Айни вақтда Ж.Авазова юз фоиз пенсия пулини ҳам олиб турган. Шу тариқа улар 163825 сўмлик бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-тарож қилишган. Бундан ташқари мактаб директори И.Маликов мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, расмий ҳужжат ҳисобланган пул тўлови қайдномаларига қалбаки имзо қўйиб, ўқитувчиларга берилиши лозим бўлган 131236 сўмлик иш ҳақларини ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборган. Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади, деганларидек сохтакорларнинг кирдикорлари фош этилди. И.Маликов ва Р.Чўллиевга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, улар ҳисобидан давлатга етказилган моддий зарар миқдори тўлиқ ундириб олинди. Улар эгаллаб турган вазифасидан озод этилди. Шу тумандаги 14-сонли мактабда директор ва хазиначи вазифасида ишлаб келган К.Эшноров ҳам нафсини ўйлайдиганлар тоифасидан экан. У 46 нафар ўқитувчига давлат бюджетидан ажратилган 337824 сўмлик товон пулини туман электр тармоқлари идорасига ўтказиш ўрнига қалбаки ҳужжатлар асосида ўз манфаати йўлида ўзлаштиришни маъқул топган. Бу ҳам етмаганидек, мактаб ўқитувчилари ва ишчи-хизматчиларига тўланиши лозим бўлган 221110 сўмлик иш ҳақи ва пенсия тўловларининг тўлов қайдномаларини ҳам қалбакилаштирган ҳамда ушбу маблағни ўз эҳтиёжига сарфлаган. Бузоқнинг югургани сомонхонагача деганларидек, К.Эшноровнинг кирдикорлари ҳам тезда фош этилди. У давлат бюджетига етказилган моддий зарар миқдорини тўлиқ тўлаши баробарида эгаллаб турган лавозимидан ҳам четлаштирилди. Қинғирлик йўлини танлашгани учун уларнинг эл олдида юзи шувит бўлиб қолди. Хулоса ўрнида айтсак, сохтакорлик ҳар доим панд берган. Баён этилган воқеалар ҳам бунинг исботидир.

**Отабек МУРОДОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Jahon tajribasi

# УЧ БЎҒИНЛИ СУД ТИЗИМИ

***Хусусий ҳуқуққа оид низоларни кўриб ҳал қилиш учун Францияда уч бўғинли суд тизими таъсис этилган. Дастлабки бўғин биринчи инстанция суди бўлиб, у умумий юрисдикция ва махсус юрисдикция судларидан иборат.***



Умумий юрисдикция судларига кирувчи округ судлари энг қуйи бўғин ҳисобланиб, улар округ ва кантонларда ташкил этилган. Мамлакатда 473 та округ судлари мавжуд. Ишлар судья томонидан якка тартибда кўриб чиқилади. Тарафлар эса судда ўз ишларини адвокатнинг ёрдамисиз ўзлари мустақил юритиши мумкин.

Трибуналлар умумий юрисдикция судларининг асосий бўғинлари ҳисобланади. Ушбу судлар махсус юрисдикция судларига тегишли бўлган ишлардан ташқари барча ишларни кўриб ҳал қилади. Юқори инстанция трибуналлари жисмоний шахсларнинг фуқаролик ҳолати ва мулкий ҳуқуқларига тааллуқли бўлган фуқаролик суд ишларини юритишга доир муҳим ишларни кўради.

Махсус юрисдикция судлари ҳам савдо, меҳнат ишлари бўйича ва бошқа махсус юрисдикция судларига бўлинади.

Савдо судлари профессионал бўлмаган судьялардан иборат бўлиб, улар сайловчилар ҳайъати томонидан (агар биринчи марта сайланаётган бўлса) икки йил ёки (агар қайта сайланаётган бўлса) тўрт йил муддатга сайланади.

Сайловчилар ҳайъатига тижорат трибуналлари ва савдо-саноат палатаси аъзолари киритилади. Судьяликка номзодлар тижоратчи сифатида камида 5 йиллик меҳнат фаолиятига эга бўлган шахслар бўлиши лозим. Францияда 229 та савдо судлари фаолият кўрсатади. Ишлар расман ҳайъат тартибида уч нафар судьядан иборат таркибда кўрилсада, лекин амалда ишларни улардан бири юритади.

Савдо судларида асосан савдога оид битимлар, яъни тижоратчилар ўртасидаги тадбиркорлик фаолиятини юритишдан келиб чиқадиган низолар кўриб ҳал этилади.

Меҳнат ишлари бўйича судлар Франция Меҳнат кодекси асосида фаолият кўрсатади ва иш берувчи ҳамда ходим ўртасидаги меҳнат шартномасини бузишдан келиб чиқадиган низоли ишларни ҳал қилади. Шунингдек, меҳнат ишлари бўйича судлар ходимлар ўртасидаги ўз меҳнат вазифаларини бажариш жараёнида юзага келган келишмовчиликларни ҳам кўриб чиқади.

Францияда 282 та меҳнат ишлари бўйича судлар фаолият кўрсатади.

Мазкур судларда меҳнатга оид низоли ишларни ҳал қилиш қуйидаги босқичларда олиб борилади:

а) дастлабки босқич муросага эришиш мақсадида келишув комиссиясида ишларнинг кўрилиши. Ушбу комиссия таркибида иш берувчининг ҳамда ходимнинг биттадан вакили фаолият юритади;

б) келишмовчиликлар келишув комиссиясида ҳал этилмаса, судьялардан иборат ҳайъат томонидан суд мажлисида кўриб чиқилади;

в) иш юзасидан ҳал қилув қарорини қабул қилишда судьяларнинг овози тенг бўлса, тегишли округ судининг профессионал судьяси иштирокида иш қайта кўриб чиқилади.

Франция суд тизимида иккинчи инстанция судлари 35 та апелляция судларидан иборат бўлиб, улар округ судлари, юқори инстанция трибунали, шунингдек, юрисдикция судларининг ҳал қилув қарорлари устидан берилган апелляция шикоятларини кўриб чиқади. Апелляция инстанция судлари апелляция шикояти доирасида қуйи бўғин суд қарорларининг қонунийлиги ва асослантирилганини текширади.

**Фарҳод АКБАРОВ,**
**Шуҳрат ҲАЙДАРОВ**

Nadomat

***Суднинг қора курсисида бошини кўтаролмай ўтирган бу аёлни кўриб дафъатан киши кўнглида раҳм-шафқат туйғуси уйғониши мумкин. Аммо унинг муқаддам судланганини, лекин тавба қилиш ўрнига "оғу"фурушлик билан шуғулланишни канда қилмай, шу аҳволга тушганини билгач, унга нисбатан нафрат туғилиши аниқ.***

# ТАВБА ҚИЛМАГАН ЭКАН...

СУД ОЧЕРКИ

**1.ЎЙИНЧОҚҚА ЖОЙЛАНГАН "ОҒУ"**

Кўпчилик кексайгач, қарилик гаштини суриб, осойишта яшашни истаб қолади. Қўқонлик Валентина Никифоровна эса егани олдида, емагани ортида бўлишига қарамай, 70 ёшни қоралаганда бойликка ружу қўйиб, бошсар-тусарини билмай қолди.

Энг ёмони, у ғаразли мақсадларини амалга ошириш учун охир-оқибат ҳалокатга олиб борадиган қинғир йўлни танлади. Тошкентда яшайдиган қизи ва набираларидан хабар олиш баҳонасида Қўқон-Тошкент оралиғида серқатнов бўлиб қолди. Унинг қизи Вера эса қариганда онаизорида яқинларига нисбатан меҳр-оқибат уйғонганидан ўзида йўқ шод эди.

Шундай қилиб, 2004 йилнинг саратони чилласида Валентина Никифоровна яна Тошкентга ташриф буюрди. Набираларини совға-саломлар билан сийлагач, у ошхонага қизининг олдига кирди. Шу пайт уларни олдига бирин-сирин кириб келган болалар "киндер-сюрприз" ўйинчоғини кўз-кўз қилишди.

— Мана бермасангиз ҳам сумкангиздан топиб олдик, бувижон, — деди кенжа невараси.

Шу пайт ҳеч кутилмаган воқеа содир бўлди. Валентина Никофоровна ўрнидан ўқдай учиб турди-да, ҳали чулдирашини тугатиб улгурмаган болакайнинг қўлидаги ўйинчоқни бир ҳамлада тортиб олди. Сўнгра қизчани чеккага туртиб юбориб қолган болаларни қувиб кетди. Улардан ҳам ўйинчоқларни тортиб олди. Энг ёмони, бувисидан қочиб яширинмоқчи бўлган Сашанинг боши қаттиқ лат еди.

Боланинг лат еган бошига ҳўл сочиқни босаркан, қизи Вера ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Сизни қариб қуйилгандирсиз деб ўйлаб, хато қилган эканман, — деди Вера ўксиб-ўксиб йиғларкан. — Сиз ўша-ўша фирибгарлигингизни ташламабсиз. Бу матоҳларингиз осойишта уйимга бир балоларни бошлаб келмаса эди.

*(Давоми тўртинчи бетда)*

*Ҳаётда инсоф ва инсофсизлик тушунчаси худди ўт билан сувга ўхшайди. Уларни ҳеч қачон бир-бирига яқинлаштириб бўлмайди. Лекин шунга қарамасдан бу икки тушунча ҳамиша ёнма-ён юради. Чунки инсофсиз одам адолатли бўла олмагани каби инсофли одам ҳам ҳеч қачон адолатсиз бўла олмайди.*

*Азиз газетхон, кутилмаганда сўзимизни инсоф тушунчасидан бошлаганимиз сизни ҳайрон қолдираётган бўлса керак. Келинг, мақоламизни эринмасдан охиригача ўқиб чиқинг. Шундан кейингина сиз нега бугунги мақоламизга "ИНСОФ" деб сарлавҳа қўйганимизни билиб оласиз.*

# ИНСОФ

**БИРОВНИНГ ҲАҚИ**

Таҳририятимизга Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Ш. Қобилов номидаги ширкат хўжалигининг "Янгиобод" маҳалласида яшовчи Рўзи бобо Ҳасановдан бир неча марта шикоят хати келди. Биз уларни тегишли ташкилотларга жўнатдик ва жавоб мактублари ҳам олдик. Лекин отахон яна бизга ариза билан мурожаат қилибди. Келинг, отахонни қандай масала безовта қилаётгани билан сизни ҳам таништириб ўтайлик.

"1998 йилда қизим Қурбоной вафот этди, – деб ёзади Рўзи бобо. – Унинг 5 нафар вояга етмаган фарзанди менинг қарамоғимда қолди. 1995 йилда қизимга 0,12 сотих томорқа ери ажратиб берилган эди. Қизим шу жойда болалари билан уч хоналик уй қуриб, яшаб келаётган эди. Унинг вафотидан кейин болаларининг ёшлиги ва менинг кексалигим туфайли томорқада экин-текин қила



олмай қолдик. Шунинг учун 1998 йил июн ойида ширкат хўжалиги ҳисобчиси Холмўмин Жумаевнинг томорқаларингиздан вақтинча фойдаланиб турай, деган илтимосига ишониб, ерни унга бердик. Қизимнинг вафотидан кейин ушбу томорқа унинг ўғли — вояга етмаган Жамшид Тошпўлатовнинг номига расмийлаштирилган эди. Буни қарангки, Х.Жумаев невараларимга тегишли бўлган томорқани сохта ҳужжатлар орқали ўғлининг номига расмийлаштириб олибди...

Ушбу қонунбузарлик юзасидан судга мурожаат этдим. Суд масалани адолат юзасидан кўриб чиқиб, невараларимнинг ҳуқуқини тиклади. Ҳозир томорқанинг қонуний эгаси неварам Жамшид Тошпўлатов. Бироқ суднинг қарори бўлишига қарамай Х.Жумаев неварамга тегишли бўлган 4 сотих ерини қайтариб бермаяпти. Суд ижрочилари, маҳалла фаолларининг саъй-ҳаракатлари ҳам зое кетмоқда.

Ҳурматли таҳририят ходимлари!

Илтимос, невараларимнинг қонуний томорқасини тўлиқ қайтариб олишга ёрдам берсангизлар."

Бор-йўғи гап шундан иборат.

Хўш, бу ўринда ким ҳақ-у ким ноҳақ? Албатта, бу саволга суд қонуний жавоб бериб бўлган. Айбдор аниқ. Унда нега муаммо ҳамон ўз ечимини топмаяпти?..

Агар Х.Жумаевда озгина инсоф бўлганда эди, 82 ёшли отахонни ва беш нафар вояга етмаган, бунинг устига онасиз қолган гўдакларни овора-ю сарсон қилиб юрмаган бўларди.

Ё фикримиз нотўғрими?..

**"МЕНИ АЛДАШДИ..."**

Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани, "Ғаллакор" ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган "Қушчи" қишлоғида яшовчи фуқаро Зулфия Очилова таҳририятга йўллаган мактубини айнан мана шундай сўзлар билан бошлаган. Келинг, мактуб билан сиз ҳам танишиб кўринг:

"... Турмуш ўртоғим бундан тўрт йил муқаддам вафот этган. Ёлғиз бошим билан олти фарзандни тарбиялаяпман. Раҳматли турмуш ўртоғимдан озроқ маблағ қолган эди. Мен фарзандларим вояга етгунича шу жамғарма йўқ бўлиб кетмасин деб, катта-кичик билан маслаҳатлашиб, машина олиб қўйишга қарор қилдим. Афсуски, яхши ниятимнинг охири "вой" бўлиб чиқди...

Қўшни "Қорабоғ" қишлоғида яшовчи, аввалдан таниш бўлган Дилшод Отаев 2001 йил 12 сентябрда уйимга келиб, "Мен сизга "Жигули-06" русумли автомашина олиб келиб бераман", деб етти юз минг сўм пулни қўшниларим гувоҳлигида олиб кетди. Кейин билсам, у товламачи экан. У етимларнинг ҳақидан ҳам қўрқмади. Мана, орадан қарийб тўрт йил вақт ўтаётган бўлишига қарамай ҳамон на мендан олган пулни қайтаради, на машина олиб беради.

Хуллас, ҳозиргача Д. Отаевдан ҳақимни ололмай юрибман.



Тўғриси, мен қонунларни яхши билмаганим учун Дилшод Отаевнинг тузоғига тушган эдим. Бунда ўзимнинг ҳам айбим бор эканини тан оламан. Лекин у ҳам кўра-била туриб, менинг, қолаверса, етимларнинг кўзига чўп суқишга уялмадимикан?

Ҳурматли таҳририят ходимлари!

Сизлардан илтимос, менга йўл-йўриқ кўрсатинглар. Энди қандай йўл тутай ва қаерга мурожаат қилай?.."

Тўғриси, ёлғиз боши билан олти фарзандни оқ ювиб, оқ тараб ўтирган муштипар аёлни тўрт йилдан бери алдаб келаётган Д. Отаевнинг бу қилмишини қандай баҳолашни ҳам билмадик. Ўзи кўрган ва билган, бунинг устига, бошига мусибат тушган оиланинг жамғармасини алдов йўли билан қўлга киритган ва тўрт-беш йилдан бери бировнинг ҳақидан хазар қилмай келаётган кимсани инсоф-диёнатли одам, деб бўладими?!

Умид қиламизки, Қашқадарё вилояти, қолаверса, Қамаши тумани ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари бу масалани қонуний ҳал этишади.



**СУД ҚАРОРИ БОР, АММО...**

▼ Mulohaza uchun mavzu

Навбатдаги мактубни бизга Сурхондарё вилояти, Музрабод тумани Абдулла Қодирий номидаги ширкат хўжалигининг 4-бўлимида яшовчи фуқаро Жума Омонов йўллаган. У шундай ёзади:

"2002 йил 4 март куни қўшниларимиз Сувон ва Усмон Аллаёров ҳамда Азим Маллаев уйимизга келиб, бошқа қўшниларимизнинг гувоҳлигида икки ой муддатга 115 минг сўм қарз олган эди. Энди улар олган қарзларини беришдан бўйин товлаяпти. Бу ҳақда 2003 йилда фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судига ариза билан мурожаат қилдик. Аризамизни кўриб чиққан суд 2003 йилнинг 18 декабрида жавобгарлардан бизнинг фойдамизга 494 минг 500 сўм моддий ва маънавий зарарни ундириб бериш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди. Мана орадан яна икки йилга яқин вақт ўтаётирки, ушбу ҳал қилув қарори ижро қилингани йўқ.

Суд қарорининг ижро қилиниши ва жавобгарлардан қонуний ҳақимиз ундирилишга ёрдам берсангизлар..."

Тўғриси, биз бугун суднинг ҳал қилув қарори нега ижро этилмади, деган саволга жавоб изламоқчи эмасмиз. Бу саволга тегишли идоралар жавоб беришади. Бу ўринда бизни ўйлантириб турган бошқа савол бор: кўздай қўшнилар нега бир-бирларини ҳақига хиёнат қилишди? Нега бировнинг ҳақидан қўрқишмади? Нега инсоф-диёнат, деган тушунчаларни унутишди? Нега маҳалла-кўй бу можарога томошабин бўлиб турди? Нега маҳалла оқсоқоллари, қолаверса, жавобгарларнинг қариндош-уруғлари уларни инсофга чақиришмади?

Муҳтарам газетхон, энди нима учун мақоламизга "ИНСОФ", деб сарлавҳа қўйганимизни англагандирсиз?!

**Ислом ҲАМРО,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

▼ Dunyoning ishlari

*Жонли мавжудотлар орасида кўриниши ва хатти-ҳаракатлари билан инсонга энг ўхшаш жонивор маймун эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Шунинг учун ҳам собиқ шўролар тузуми даврида "одамзод маймундан тарқалган", деган назария кенг тарқалган эди. Бироқ бу ўринда соҳа олимлари ишларига аралашиш ниятидан йироқмиз.*

# "ҚОБИЛИЯТЛИ" ҲАЙВОНЛАР

Хўш, энди асосий муддаога ўтсак, яна қайси ҳайвонлар инсон билан тез ва аниқ мулоқотга кириша олади деб ўйлайсиз? Албатта, бу борада дельфинлардан ўтадигани йўқ. Улар турли-туман овоз чиқариш ва хатти-ҳаракатлари билан одамзодга бирор-бир хабар етказиши мумкин. Шунингдек, ўз эгасига вафодор ит ва отлар ҳақида ҳам қадим-қадимдан турли ривоятлар тўқилган. Қолаверса, тўтиқушнинг инсон тилида сўзлаша олиши ҳам бугун бирор-бир кишини ҳайратга солмаслиги турган гап. Лекин филнинг гапиришини кўпчилик билмайди.



Бу воқеа Қарағанда шаҳар ҳайвонот боғида юз берган. Ўша куни иш вақти тугаб, ҳайвонот боғи ишчилари уй-уйларига отланишаётган эди. Турли-туман ҳайвонлар қамалган қафаслар қулфларини қайта кўриб чиқаётган ишчилар гулдираган овозни эшитиб, турган жойларида қотиб қолишди: – **Филга сув беринг!!!**

Тўғриси, улар аввалига кимдир ҳазиллашаяпти, деб ўйлашди. Момақалдироқдек гулдираб эшитилаётган овоз яна такрорлангач, улар "Ботир" лақабли фил сақланадиган қафас томонга югуришди. Буни қарангки, ўша куни кимнингдир ўз ишига масъулиятсизлиги сабабли фил сувсиз қолиб кетган экан. "Ботир" эса ёшлигиданоқ кечки пайт сув ичишга одатланган эди. Филнинг инсон тилида сув сўраётганини эшитган ҳайвонот боғи ходимларидан айримларининг эси оғиб қолди. Юраги бақувватроқ хизматчилар югуриб-елиб "Ботир"га сув келтиришди. Мириқиб сув ичган фил хизматчиларга "раҳмат" айтиш ўрнига ўзини мақтаб, "Ботир зўр", деб қўйди.

Албатта, бу шов-шувли ҳабар бир кечанинг ўзидаёқ бутун шаҳарга тарқалди. Эртаси куни ҳайвонот боғи маъмурияти боғда тинчлик сақлаш учун милицияга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Чунки қизиқувчиларнинг кети узилай демасди. Айниқса, журналистлар, тилшунослар ва биолог олимлар енг шимариб ишга киришишди. Газета саҳифаларида ҳар куни гапирувчи фил ҳақида саҳифа-саҳифа мақола эълон қилинар, энди нафақат қарағандаликлар, балки бошқа шаҳар, ҳатто бошқа мамлакатлардан ҳам томошабин ва тадқиқотчилар бу ерга оқиб келарди. Фил ҳам ҳайвонот боғи маъмуриятини уялтириб қўйгани йўқ. У келувчиларга қараб, ўзининг гулдираган овозида "Ботир яхши", "Ботир зўр", деган сўзларни такрорлаб чарчамасди. Аввалига айрим одамлар ҳайвонот боғи мутасаддиларини кўпроқ томошабин йиғиш мақсадида қандайдир товламачилик қилаётганликда айблашди. Лекин олимларнинг кузатишл ва тадқиқотлари бу ерда ҳеч қандай сир йўқлиги, айнан филнинг ўзи гапираётганини тасдиқлади...



Инсон сўзлаётганда тил, лаб ва тиш воситасида товуш чиқаради. Хўш, фил бу вазифани қандай уддалаётган экан, деган савол кўпчиликка тинчлик бермасди. Тиниб-тинчимас зоолог ва зоопсихолог олимлар бу саволга ҳам жавоб топишди. Кузатишларда маълум бўлишича, "Ботир" сўзлашдан аввал хартумини оғзига тиқар ва пастки лаблари билан уни маҳкам сиқиб, инсонга хос овоз чиқарар экан.

Агар Қарағандада рўй берган воқеа битта бўлганида эди, биз ҳам бу ҳолатни хорижлик ҳамкасбларимизнинг навбатдаги олди-қочди хабарларидан бири сифатида қабул қилардик. Буни қарангки, бундан бир неча йил муқаддам Ҳиндистоннинг Махараштра штатида ҳам худди юқоридагидек воқеа кузатилган экан. Ҳиндистонда қадим-қадимдан филлардан ишчи кучи сифатида фойдаланиб келинади. Шунингдек, бирор-бир ҳиндистонлик филни томоша қилиш учун ҳайвонот боғига бормаслиги ҳам айни ҳақиқат. Чунки улар филни ҳар куни ва ҳар қадамда кўришади. Қолаверса, кўпчилик ҳиндистонликларнинг шахсий филлари бор. Худди бизнинг қишлоқларда от ёки эшак боқиб, уларнинг беминнат хизматларидан фойдаланилгани каби Ҳиндистонда ҳам филларнинг меҳнати текин.



Энди яна асосий мавзуга қайтсак, Махараштра штатида "Жамбо" лақабли фил ҳам худди ўз қондоши "Ботир" каби гапирган. Тўғри, у сиз-у биздек суҳбатлашиш қобилиятига эга бўлмаган. Лекин ўзига керакли бўлган нарсани филбонлардан сўрай олган. Қизиғи шундаки, "Ботир" ҳайвонот боғидаги қафасда яшагани учун кўп ҳам толиқмаган. Шунинг учун бўлса керак, у ўз хўжайинларидан сув сўраш билан чегараланган. "Жамбо" эса "Ботир"нинг акси ўлароқ, кун давомида оғир меҳнат билан шуғулланган. Шу боис у қаттиқ чарчаган кунлари кечки пайт озгина "отиб" олишни истаб қолар экан. Албатта, филнинг "озгина"си ҳам эллик ёки юз грамм бўлмайди. "Жамбо" бир ичишда бир неча челак ароқни сипқорар ва шундан кейингина унинг нафси "ором" оларди. Агар унга ўз вақтида ароқ берилмаса, "Жамбо" худди одамлардек, "менга ароқ келтиринг", деб бақираверар экан. Эгасининг айтишича, "Жамбо" ёшлигида жуда чиройли филча бўлгани учун бошқа филлардан алоҳида парвариш қилган. Меҳри ийб кетган кезларда филчани ароқ билан сийлаб турган. Ана шунинг натижасида "Жамбо" ичкиликка ўрганиб қолган ва умрининг охиригача "ичишни ташлай олмаган". Албатта, ўз вақтида олимлар "Жамбо"нинг сўзлашиш қобилияти қандай пайдо бўлганини ҳам ўрганишган. Энг қизиғи, ҳиндистонлик "Жамбо" билан қозоғистонлик "Ботир"нинг сўзлашиш "услуби" бир хил экан.

Таниқли рус олими, биология фанлари доктори, профессор Александр Дубров ўз ҳаёти ва илмий фаолиятини айнан инсон тилида сўзлашувчи жониворларни ўрганишга бағишлаган. Бу борада олимнинг "Гапирувчи жониворлар" номли китоби ҳам чоп этилган. Ана шу китобда ёзилишича, Озарбайжоннинг Боку шаҳрида Бобоевларнинг «Мэси» лақабли мушуги бўлиб, у йигирма икки йил давомида оиланинг ҳақиқий аъзосига айланган. «Мэси» озарбайжон ва рус тилларида сўзлашишни билган. Агар «Мэси»дан "неча ёшдасан?" — деб сўралса, у ўзининг ёшини аниқ айтган. Шунингдек, "журналистлар нега келишди?"— деган саволга, "Мэси" ҳақида ёзишга", — деб жавоб берган. Қолаверса, «Мэси» уйга келган меҳмонларга худди одамлар каби "салом" берган, кетишда эса "хайр" дейишни ҳам унутмаган.

«Мэси»нинг эгаси Гулчеҳра Бобоеванинг айтишига қараганда, бир гал мушук оғир пардага осилиб ўйнаган. Жаҳли чиққан Гулчеҳра мушукка қараб "пардадан туш", деб бақирган. Бироқ мушук эгасининг буйруғини бажариш ўрнига янада юқорироққа чиққан ва унга қараб "тушмайман", деган. Бокулик журналист Муҳаммад Аҳмед Баҳорлининг гувоҳлик беришича, у бир гал маҳаллий газетага мақола тайёрлаш мақсадида «Мэси» билан "суҳбатлашган". Муҳаммад Бобоевлар хонадонига келиб, диваннинг «Мэси»га тегишли бурчагига ўтирганида мушукнинг "жаҳли" чиқиб кетган ва инсонлар каби унинг елкасига панжаларини қўйиб, "менинг жойимни бўшатиб қўй", деб "дағдаға" қилган экан...

Александр Дубровнинг китоби чоп этилгач, унинг номига минглаб хатлар кела бошлади. Шундан сўнг маълум бўлдики, Питербург, Пенза ва Рязан шаҳарларида гапирувчи итлар истиқомат қилар экан. Ҳатто Москва шаҳрида яшовчи Зоя Игумнованинг ити уни "она", деб чақирар экан. Энг қизиғи, "гапирувчи итлар" бошқа сўзлашувчи жониворларга нисбатан ўз эгаларига нисбатан "меҳрибон"роқ ва "садоқат"лироқ экани ҳам олимлар томонидан исботланган.

Бу масалада Москвадаги экология ва эволюция муаммолари илмий текшириш институти ходимлари ҳам узоқ муддатли изланишлар олиб боришган ҳамда бошқа жониворлар ҳам инсон каби гапира олиши мумкин, деган хулосага келишган. Бунинг учун сиз уйингиздаги жониворларга худди ўз фарзандингиз каби меҳр кўрсатишингиз, улар билан доимий равишда мулоқот қилишингиз — энг асосийси, ҳамиша яхши гапириб, яхши сўзлар билан эркалатишингиз кифоя қилар экан.

Ушбу мақолани якунлашдан олдин ўйланиб қолдик: балки юртимизда ҳам гапирувчи жониворлар бордир? Кимдир меҳр билан ўз ити, мушуги ёки бошқа бирор-бир севимли жониворини сўзлашишга ўргатгандир. Агар шундай бўлса, албатта, бизга хат ёзинг. Эҳтимол бу сизнинг номингизни дунёга танитар...

**И. ҲАМРОЕВ тайёрлади.**


▼ E`lon

**Адлия вазирлиги ҳузуридаги ихтисослаштирилган "Адолат" нашриёти қуйидаги китобларни имтиёзли нархларда сотади:**

| | |
|---|---|
| **1.** Ҳуқуқий маслаҳатлар | **1500 с.** |
| **2.** Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари № 23 | **1200 с.** |
| **3.** Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари № 24 | **1000 с.** |
| **4.** Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари № 25 | **2000 с.** |
| **5.** Криминалистика. I жилд | **5000 с.** |
| **6.** Криминалистика. II жилд | **5000 с.** |
| **7.** Конституция | **500 с.** |
| **8.** Мадҳия | **500 с.** |
| **9.** Армия | **500 с.** |
| **10.** А.Саидов. "Сравнительное правоведение" | **750 с.** |
| **11.** Давлат мукофотлари | **3000 с.** |
| **12.** "Комментарии к УПК" | **1500 с.** |
| **13.** Олди-сотди шартномалари | **1000 с.** |
| **14.** Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси | **800 с.** |
| **Ҳуқуқий меросимиз хазинасидан** | |
| **1.** Юсуф Ҳамадоний ва Абдухолиқ Ғиждувоний тариқати | **500 с.** |
| **2.** Абу Ханифа. "Ал-фиқҳ ул акбар" | **300 с.** |
| **3.** Ғаззолий. Кимёи саодат | **4000 с.** |
| **4.** Мажма ул-Мақсуд. I жилд | **4000 с.** |
| **5.** Ҳадислар — болаларга | **750 с.** |
| **Бадиий асарлар** | |
| **1.** Ротшильдлар — банкирлар қироллари | **1500 с.** |
| **2.** Буюк истеъдод соҳиблари | **750 с.** |
| **3.** Жонон — менинг жонимда | **1000 с.** |
| **4.** Она тили — давлат тили | **850 с.** |
| **5.** Давлат тили қонунига шарҳлар | **800 с.** |
| **6.** А.Орипов. Адолат кўзгуси. | **3500 с.** |

**Нашриёт манзили: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, А.Муҳиддинов кўчаси, 26-уй.**
**Тел.: 169-03-98, Факс: 169-03-58**




▼ Nadomat

# ТАВБА ҚИЛМАГАН ЭКАН...

СУД ОЧЕРКИ

*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

— Оғзингга келганини валдирайверма, — деди онаси ўзини мутлақо хотиржам қилиб кўрсатишга уринаркан. —Қўқондаги болалар уйидаги етимларга совға сифатида бу ўйинчоқларни сотиб олгандим.

— Қўйсангизчи ойи, сизни энди кўряпманми, — деди Вера, — ўз болаларингизга меҳрингиз йўқ-ку, етимларни гапириб нима қиласиз. Бир марта жарима тўлаб қамоқдан қутулиб қолгандингиз, барибир тавба қилмабсиз. "Букрини гўр тўғирлайди", деганлари тўғри экан.

Энди қизининг гапига ҳам парво қилмай қўйган кампирни фикр-хаёли "героин" солинган ўйинчоқларда эди. У сабри чидамай, меҳмонхонага кириб, белги қўйилган ўйинчоқни очиб кўрди-ю кўнгли жойига тушди. Ҳайрият, ҳаммаси жойида экан.

Эртаси куни қизи ишга кетгач, болаларни сайр қилдириб келиш баҳонасида кампир "заҳри қотил"ни тезроқ пуллаш илинжида шу яқин ўртадан харидор қидира бошлади. Аммо у ўйлаган режа бу сафар чиппакка чиқди. Ички ишлар ходимлари қариб қуюлмаган кампирнинг ноқонуний ҳаракатига чек қўйишди. Гувоҳлар иштирокида унинг нарсалари бир-бир кўздан кечирилганда, ички ишлар ходимларининг эътиборини шиқилдоқ ўйинчоқ ичидаги юпқа қоғозга ўралган оқ кукун жалб этди. Валентина Никифоровна бу нарса "героин" гиёҳвандлик моддаси эканини ноилож тан олди ва ўзи истеъмол қилишини айтиб, кечирим сўради.

Шундан сўнг кампир вақтинча меҳмон бўлиб турган уй ҳам кузатув остига олинди.

**2.КЎЗА СИНДИ...**

Аввалгиларини қўятурайлик, ҳеч бўлмаса, кейинги бўлиб ўтган нохуш воқеадан сўнг Валентина Никифоровна тавба-тазарру қилиб, бу хатарли йўлдан қайтиши лозим эди. Аммо ўрганган кўнгил-ўртанса қўймас, деганлари тўғри экан.

Ниҳоят, бу гал ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари бу "оғуфуруш"нинг жиноий фаолиятига бутунлай чек қўйишди. Жиноятчи В.Мирзоян Тошкентдаги қизининг уйида қўлга олинди. У қаршилик кўрсатиш бефойда эканини англагач, "героин" гиёҳванд моддаси жойланган ўйинчоқларни ички ишлар идоралари ходимларига топширди.

Бироқ жиноят учун жазога тортилиши муқаррар эканини сезгач, яна бир тубанликка қўл урди.

У "героин" гиёҳвандлик моддасини вафот этган ўғли Ашотнинг ётоқхонасидан тасодифан топиб олганини айтиб, банги ўғлини қарғай кетди. Кейинчалик унинг бу баҳонаси фарзандининг хотирасини таҳқирлашдан бошқа нарса эмаслиги маълум бўлди. Ҳеч қачон фарзандларини оналик меҳри билан севмаган, ҳатто бу ёруғ оламдан кўз юмиб кетган ўғлига ҳам туҳмат қилган онадан нима ҳам кутиш мумкин?! Албатта, қарияларни қанчалик иззат-ҳурмат қилмайлик, ҳар ким экканини ўради деганларидек, бундай нобакор кимсаларни жамиятдан вақтинча бўлса-да, ажратиш лозим.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани суди мазкур жиноий ишни кўриб чиқиб, судланувчи В.Н.Мирзоянга қонуний жазо тайинланди.

Яна шуни айтиш керакки, Президентимизнинг "Амнистия тўғрисида"ги Фармонининг 7-моддасига асосан бу жазо муддати учдан бирга қисқартирилди.

Хуллас, тавбасига таянмай қайта жиноятга қўл урган кампир қилмишига яраша қонуний жазо олди. Бу гал у инсофга кирармикан? Буни энди олий ҳакам –- вақт кўрсатади.

**Фурқат РАСУЛОВ,**
**Нодира УБАЙДУЛЛАЕВА**


**ИНСОН ва ҚОНУН**

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Пўлат САМАТОВ, Ислом ҲАМРО, Мавжуда РАЖАБОВА, Холли НОРБОЙ, Хуршид СОДИҚОВ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

**Индекс: 646882**
**«ИНСОН ВА ҚОНУН»** газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-315. Тиражи — 6501. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

2 3 4 5 6